

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси хўжалик ҳисоби шароитида меҳнат қилиб, унинг афзалликларини амалда намойиш этяпти. Мазкур корхона барча маҳсулотларнинг аъло сифатини таъминлаяпти. Якуний кўрсаткичларнинг юқори бўлишига ҳар бир цех, участка ва ҳар бир ишчи ўзининг муносиб ҳиссасини қўшяпти.

«Малика»да цехлараро ташкил этилган социалистик мусобақанинг яхши натижалар бераётганини таъкидлаш лозим. Нотўқима материаллар цехи меҳнат рақобатининг олдинги сафларида бормоқдалар.

Шавкат Раҳматуллаев ва Насиба Раҳматуллаевалар 2-тўқув участкасининг кўзга кўринган ишчиларидан. Уларнинг корхонада меҳнат қилаётганига 10 йилдан зиёд вақт ўтди. Илғорлар кунлик план-топшириқларини ошириб бажармоқдалар.

СУРАТДА: Шавкат Раҳматуллаев ва Насиба Раҳматуллаевалар иш участкасида.

Т. Каримов фотоси.

# Ёшлар изланишда

**Тошкент локомотив депоси Ўрта Осиё темир йўлининг энг пешқадам корхоналаридан. Коллектив 1988 йил топшириғини муваффақиятли адо этиб янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ, хўжалик ҳисобига ўтиб ишлаб, зафарли натижаларга эриша бошлади. Депода бугун икки мингдан зиёд ишчи меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг тўрт юзга яқинини комсомоллар ташкил этади.**

**Ёшлар деподаги ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишга ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жамоатчи мухбиримиз комсомол комитетининг секретари Абдуфаттоҳ Ғонбназаровдан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб беришни илтимос қилди.**

— Ўтган йил комсомолларимиз учун самарали бўлди. Ленин комсомолининг 70 йиллиги арафасида ишлаб чиқариш ва жамоат ишларидаги ютуқлари учун 82 ёш ишчи Тошкент шаҳар ва область комсомол комитетларининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди. Бу мақтовга сазовор ёшларимиз кўплигини яққол кўрсатиб турибди.

Ташкилотимиз 400 комсомолдан иборат. Тан олиш керак, депо учун сафларимиз унчалик катта эмас. Комсомолнинг XX съездидан кейин йилига 6—7 кишини ВЛКСМ сафларига қабул қиляпмиз. Ҳозирги куннинг талаби ҳам сон эмас, балки сифатдир. Қолаверса, корхонамизга келаётган ёш ишчилар ҳунар-техника билим юртидаёқ комсомолга ўтиб бўладилар.

Ўрни келганда ёш ишчилар орасида кадрлар қўнимсизлиги ниҳоятда юқорилигини ҳам айтиб ўтишимиз керак. Хўжалик ҳисоби шароитида ишлаётган корхона учун бу кони-зарар. Бу комсомол комитетимизнинг жиддий камчиликларидан бири, деб ҳисоблайман. Ҳунар-билим юртини тугатиб келганларнинг аксарияти қисқа вақт ичида ҳарбий хизматга кетади, қолган қисмини эса иш қониқтирмайди. Кимдир кооперативга, кимдир савдога ўзини уради. Ҳар йили депога 500—600 киши ишга келиб, деярли шунчаси бўшаб кетяпти. Қўнимсизликнинг юқори бўлишида квартиралар масаласининг оқсаётганлиги ҳам таъсир кўрсатяпти. Ишчиларимизнинг катта қисми турли район ва шаҳарлардан келишган. 100 ишчимиз депо ётоқхонасида истиқомат қилишади. Лекин бундай ётоқхоналар ёш оилаларни қониқтирмаслиги табиий.

Уй-жой масаласини ҳал қилиш ниятида бу йил коллективимиз тажриба тариқасида ўз кучи билан тўрт қаватли уй қуришни плановштиряпти. Уни бунёд этадиганлар корхонадан қурилишга командировка қилинади. Бунда уларнинг ҳеч бири меҳнат стажини ҳам, иш ўрниниям йўқотмайди. Қурилиш тугагач, улар ўз ўринларига қайтишади.

Ёшларни депода сақлаб қолиш бугун олдимизда турган муҳим проблема ҳисобланади. Ахир, бугун ишимизни силжитаётган тажрибали ишлаб чиқариш илғорларини эртага пенсияга кузатсак, уларнинг ўрнини ким эгаллайди? Қолаверса, ўз-ўзини молиявий таъминлаш методидан корхонанинг даромад фондини ким тўлдиради? Табиийки, ёшлар! Ёшлар учун эса меҳнат шароитларини яхшилаш ниҳоятда муҳим. Йигитлар ишчилар синфига мансуб бўлиш ниҳоятда фахрли эканини тушунишса-да, баъзан савдо пештахталари ортидаги оқ халатли тенгдошларининг иши уларнинг кўзига чиройли кўриниши сир эмас...

— Депо ёшлари Арманистон ва Тожикистонда юз берган зилзила талафотларини бартараф этишга қандай ҳисса қўшдилар?

— Қардошлар дарди — бизнинг дардимиз. Арманистонда зилзила юз берган куннинг эртасигаёқ депода митинг бўлиб ўтди. Шанбалик уюштирилди. Ундан тушган 24500 сўмлик маблағ Арманистон ёрдам фондига ўтказилди. Олти комсомол аъзоси зудлик билан 1308-тепловозга бириктирилиб, Арманистонга юборилди. Арман дўстларимиз учун зарур юклар айнан мана шу тепловозда юборилди. Шунингдек, донорлар куни эълон қилинди. Ишчиларимиз беморлар учун қон топширдилар.

— Энди ёшларнинг корхона тараққиёти ҳақида икки оғиз тўхталсангиз.

— Мен корхонадаги бутун иқтисодий аҳволни ва ундаги ёшлар ишини умумлаштириб ўтирмай, аниқ мисоллар келтира қолай. Эксплуатация цехининг икки комсомол-ёшлар колоннаси хом ашё тежамкорлигида намуна кўрсатишяпти. Тежамкорлик эса янги шароитнинг энг муҳим талаби.

Машинист-инструктор Радионов колоннаси 221 тонна, Якубовский колоннаси 218 тонна дизель ёқилғисини тежаб қолишга эришишди. Деподаги мавжуд шароит ёшларни самарали ишлашга сафарбар этади. Ёшлар унумли ишлашдан ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан манфаатдорлар. Улар ишни ташкил этишда, ўз вазифаларига ижодий ёндошишда сезиларли натижаларга эришяптилар. Пешқадам ёшлар орасида электр экипаж цехи комсомол-ёшларини тилга олиш зарур. Бу цех коллективи корхона социалистик мусобақасида бир неча бор ғолибликка эришиб, пул мукофотлари билан тақдирланди. У 1989 йил топшириғини муддатидан илгари бажариш мажбуриятини олган.

Ҳа, Тошкент локомотив депоси ёшлари тинимсиз изланишда. Биз ёшларнинг янада самарали ишлашига тилакдошмиз.

З. МАДАЛИЕВА.

## Студентлар кўмаги даркор

Собир Раҳимов район ободончилари бугунги кунда Кайковус, Қичқириқ ариғи ва райондаги бошқа ирригация шохобчаларини чиқиндилардан тозаламоқда.

Районда транспорт қатновини енгиллаштириш ва йўловчиларга қулайлик туғдириш мақсадида янги кўчалар очилишига ҳам катта аҳамият берилмоқда. Бу йил ишга тушириладиган янги Шимолий Олмазор кўчаси шулар жумласидандир. Студентлар шаҳарчасидан 2-Тансиқбоев массивига борадиган янги троллейбус линияси ҳам кўплаб йўловчилар ҳожатини чиқаради.

Собир Раҳимов районини студентлар райони ҳам дейишади. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Бу ерда кўпгина олий ўқув юртлари жойлашган. Студентлар районни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига катта ҳисса қўшишлари мумкин. Лекин бундай бўлмаётир. Шунинг учун ҳам районда биронта кўзга кўринган хиёбон ва кўркам боғни учратиш қийин.

## Ҳайронман

### Луқма

**Дарсдан сўнг ўртоғим Шомирза ва Баҳодир «Санъат саройи»да «Қонундаги ўғрилар» фильми бўлаётганини айтишди. Шу кинони бориб кўришга қарор қилдик. «Санъат саройи»нинг кассаларига кириб, билет сўрадик. Лекин...**

**Эшикдан чиқиб кетаётганимизда кўзимиз билет аллақачон сотилган деб ёзилган ёзувга тушди. Таъбимиз хира бўлиб метро томонга йўл олдик. Бир пайт студентларнинг икки ёш йигит атрофини ўраб олганларига кўзимиз тушди. Биз ҳам нима бўлаётганини суриштирмоқчи бўлиб, уларнинг олдига яқинлашдик. Билсак, бу икки йигит чўнтаклари тўла билетларни сотаётган экан. Улар 50 тийинлик билетни 3 сўмдан «пуллаётган» эдилар. Кинога қизиқиб келганлар нонложликдан 3 сўмга билет сотиб олдилар. Бизни шунча билетни улар қаёқдан олишдийкин, деган савол ўйлантиради. Наҳотки, кинотеатр маъмурияти бундай кимсаларга қарши курашишмаса?**

**Пештоқига «Билет йўқ!» деб ёзиб қўйишади-ю, бу ёқда уни бемалол «пуллашса» бунга нима деб жавоб қайтариш мумкин. Ҳайронман!**

**Ортиқ МАХМАЮСУПОВ,**
**Тошкент технология техникумининг студенти.**

Озиқ-овқат Программаси бўғинлари

# КЕЛИНГ, БИРГАЛИКДА ЎЙЛАБ КЎРАЙЛИК

**Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим социал-иқтисодий вазифа ҳисобланади. Аммо ҳали бу борада бир қатор ишлар қилинаётганига қарамай, аҳолининг унга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Бу эса бозорда нарх-навонинг ошишига, чайқовчиликнинг авж олишига маълум даражада «ёрдам беряпти».**

**Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан етарли таъминлаш ўткир бўлиб турган ҳозирги пайтда бу масалани ижобий ҳал этиш ғоят муҳимдир. Ана шунинг учун «Ўроқ ва Болға» иттифоқи, шаҳар ва қишлоқ ҳамкорлиги, сабзавот, картошка ва мева маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш бўйича қишлоқда амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги материаллар ҳам газетхонларни қизиқтириши табиийдир. Қуйидаги мақолада биз оқшомхонлар эътиборини муҳим муаммоларга қаратмоқчимиз.**

**Қадрли «Оқшом» мухлислари! Сизларнинг шу хусусда ўйлаб юрган фикр-мулоҳазаларингиз битилган хат-хабарларингизни кутамиз.**

Бозорга тушган Маҳкам аканинг дили вайрон бўлиб чиқди. Бир кило картошканинг баҳоси бир сўмдан кам эмас. Ўрик туршаги 7 сўм, ҳусайни узум 10 сўм! Бошқа сабзавоту мева-чеванинг нархини сўраб бўлмайди. Бўлак республикадан келиб қолган киши бундай аҳволдан ҳайратга тушиши ҳеч гап эмас. Қуёш ўлкаси деб аталган, мўл-кўлчилик худди шу ердан бошланиши лозим бўлган диёримизда нега бунчалик қимматчилик? Кўрилаётган қанчадан-қанча чора-ю тадбирлар нега кутилган натижани бермаяпти?

Маҳкам ака деганимиз суяги деҳқончиликда қотган одам. 30 йилдан бери район хўжаликларидан бирида ишлайди. Мана шу киши кўчада ён қўшниси Эрмат ака билан бозор «об-ҳавоси» ҳақида суҳбатлашиб турган экан, сўрашдим-да, индамай қулоқ солдим. (Эрмат ака ўқув хўжалигида моторист бўлиб ишлайди).

Маҳкам ака: «Болалигимизни эслагин, Эрмат. Картошка тупига ҳар кетмон солиб тортганимизда нақ ярим челак-ярим челак ҳосил патиллаб чиқарди. Ҳазанак деган гап бор эди. Арзимас жойдан ҳосил йиғиб-териб олингандан кейин қанча-қанча картошка териб олар эдик».

Эрмат ака: «Ҳа, унда уруғлик ўзимиздан чиқардида. «Обидов», «Қайчибай» деган навлар бор эди. Ҳосил кўп бўларди-ю, шунга яраша бозорда килосини 20—30 тийиндан ошиқ сотмасдик. Лекин халқ ҳам тўярди, деҳқон ҳам».

Маҳкам ака: «Тунов куни телевизорда картошка камайиб кетаётганлиги ҳақида бир кўрсатув берилди. Россиядан келтирилган уруғликларни колхоз, совхозлар ўша вақтда олишмасмиш-да, мана энди қиш кирганда қанча харажат сарфлаб, уруғликни саралаб, сақлаб қўйган ташкилотга берасан, деб талаб қилишармиш. Ўзи баъзи хўжаликлар раҳбарлари тайёрга айёрликка ўрганиб қолганда».

Эрмат ака: «Э, колхоз, совхозларга қолса, картошка экмаса. Нега деганда, ушовидан тушови қимматга тушяпти. Мана, масалан, четдан келтирилган уруғликнинг килосини 20 тийиндан олдик дейлик, уни то баҳорга олиб чиққунга қадар ҳар килоси 50 тийинданга тушаяпти. Ҳосилни етиштиргунча яна қанчадан-қанча сарф-харажат қилиш керак. Маҳсулот эрта чиқса, июнь ойида чиқади. Бу вақтда хонадондаги картошка аллақачондан бери 80 тийин, 1 сўмдан сотилаётган бўлади. Хўжаликни 20—30 тийин атрофида бўлгач, колхоз картошкадан фойда ўрнига зарар кўради. Бу ҳам майли, кечкиси жуда чатоқ. Уруғ ёз чилласида қизиб турган ерга ташланади. Оқибатда хато тутади».

Маҳкам ака: «Агар уруғликнинг ўзимизда тайёрланган бўлса хато бўлмасди: Эслайсанми, «Қайчибай», «Обидов» уруғлари экишдан олдин гавҳари жа етилиб турарди. Ерга тушдими тутарди».

Улар яна анча суҳбатлашишди. Экинни суғоришдан тортиб, ҳосилга қирон келтираётган колорад қўнғизи ҳақида, планларни белгилашдаги чалкашликлардан тортиб, ойлик маош ҳақида.

**Журналист мулоҳазаси.** Бу икки деҳқоннинг гапларига қулоқ солиб, уларнинг гапларида анчагина ҳақиқат борлигини англадим. Шуниси ўйлантирадики, уларнинг ҳеч бири ўз касбларидан норози бўлишмас, фақатгина бозордаги қимматчиликнинг тирикчиликка таъсиридан хижолат тортишаётгани сезилиб турарди, холос.

Ҳа, деҳқон халқи ҳамиша бағри кенглиги, ҳалоллиги, инсофу-диёнати билан ажралиб турган. Бу, балки уларнинг она-ер билан тиллашгани, Ердек тантилиги сабаблидир.

Деҳқонга ҳеч қачон осон бўлмаган. Ҳозир кўп иш техникалашиб кетган, деҳқон қийналмай ҳосил етиштираяпти, десак хато қилган бўламиз. Ёзнинг жазирама иссиғида меҳнатнинг оғирини ҳамон деҳқон қилмоқда. Саратонда экин чопади, ўтдан тозалайди, ҳосил теради. Керак бўлса, далада чайласида ётиб ҳам қолади. Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик формалари кўп марта ўзгаради. Хўжаликлар дастлаб бошқармалар таркибига киради. Кейинги йилларда улар РАПО—район агросаноат бирлашмаси деб атала бошланди...

Ҳамон айни пишиқчилик пайтларида карам, помидор ортиб олган юк машиналари пункту, консерва заводларига ҳосил топширолмай сарсон-саргардон бўлиб юрганини кўрамиз. Ахир булар деҳқон меҳнати, ахир, булар деҳқон кучи, пули сарфланиши ҳисобига етиштирилган. Колхоз, совхозларнинг ўзида сақлаш учун омборхоналар, қайта ишлаш цехлари йўқ экан, нега ўзаро манфаатдорлик асосида шаҳар корхоналари ёрдамини уюштириш мумкин эмас? Дейлик, бирон корхона колхозга ортиқча маҳсулотидан консерва ишлаб чиқариш цехи қуриб берди. Шу корхона шартнома асосида ўз ишчи-хизматчиларининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланишида мазкур хўжалик ёрдамига бемалол ишонса бўладику. Қолаверса, бундай тажриба хусусан, йирик-йирик корхоналарнинг колхоз, совхозларни оталиққа олишлари илгари бор эдику. Демак, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қишлоққа шаҳар ёрдами сув билан ҳаводек зарур. Бусиз деҳқон қанот ёзиб ҳаракат қилолмайди, бусиз ердан ундирган ноз-неъматларнинг ҳаммасини эл оғзига тута олмайди.

Ҳозир кўпгина районларда агросаноат бирлашмалари ўрнида агрофирмалар, агрокомбинатлар ташкил этилаяпти. Уларнинг РАПОлардан бир фарқи шуки, деҳқонга буйруқ берувчи мутахассислар кескин камаяди. Колхоз, совхозлар мустақилроқ бўлиб қоладилар. Хўжаликларнинг бошқарувдаги мустақиллиги иқтисодий мустақилликка олиб келиши кутилмоқда. Шу ниятга эришиш, яъни, колхоз, совхозларни давлатдан қарз олмай, ўз «арава»ларини ўзлари торта оладиган қилиш, даромадларни кўпайтириш даврнинг муҳим талабидир. Ана шундагина хўжалик хоҳлаган нарсасини қуради, одамлари тўқроқ, маданийроқ яшай бошлайди.

Энди узум масаласини олайлик. Бир пайтлар колхоз, совхозлар у ёқда турсин, ҳатто қимирлаган жон борки, ҳаммасига узум плани бериларди. У 1-синф ўқувчисими, Госстрах хизматчиси, фарқи йўқ эди. Қишлоқда яшайсанми, ё ишлайсанми, демак, район плани бажарилишига ҳисса қўш! Шиор шундай эди. Шунинг учун ўқитувчи, врач, қишлоқ Совети ходими, райЗАГС бошлиғи хонадонма-хонадон юриб узум сотиб олар, вино заводига топширар эди. Шундай қилиб, ҳамма ўз ишини йиғиштириб қўйиб, тайёрловчига айланиб қолган эди. Узум тополмаганлар бозордан сотиб олиб топширар эди. Қарабсизки, бозор нархи осмонга кўтарилиб кетди, узум қўлдан-қўлга ўтиб камайса камаярдики, асло кўпаймасди. Баҳонада, айрим қўли эгрилар унча-мунча пуллик ҳам бўлиб қолдилар. Қўшиб ёзиш ҳам урчий бошлади.

Вақт ўтиб, ичкиликбозликка қарши курашамиз деб қанчадан-қанча ҳосил бериб турган хўраки узумзорлар йўқ қилиб юборилди. Мана, энди оқибатда бир пайтлар ҳеч ким қарамаган винобоп узумлар қишда килоси 4—5 сўмдан, ҳусайни эса 10 сўмдан кам эмас. Ана шуларни ўйлар экансиз, қишлоқ хўжалигида буйруқбозлик, нотўғри планлаштириш, бироз эҳтиётсизлик нафақат деҳқонга, балки элга қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини яна бир бор ҳис этасан, киши. Негаки, экан кўчатинг ўша йили ҳосил бермайди. Таркиби бузилган ер дарров ўзига кела олмайди. Бунинг учун кўп йиллар керак. Одамлар эса табиийки, у ёки бу маҳсулотни бу йил бўлмаса келаси йил сотиб олиб ермиз, дейишмайди.

Деҳқон энди анча енгил нафас олаяпти. Сабаби унга буйруқ берадиганлар тобора камайяпти. Хўжалик билан шартнома тузгач, ҳосил етиштиришни ўзимизга қўйиб беринг демоқда. Масалан, Калинин районидаги «Партия XX съезди» колхозида кўплаб оила пудрат асосида ишламоқда. «Қорасув» совхозидан Шавкат Нуриддинов бошлиқ звено 1988 йилда биринчи ҳосилнинг ўзидаёқ 550 тонна маҳсулот топширди. Бу пландагидан 230 тонна ортиқ эди. Калинин номли колхознинг Маҳмуд Ҳикматов бошлиқ звеносининг кўрсаткичи ҳам бундан кам эмас. М. Ҳикматов эришган ютуқлари учун Москвада бўлган Бутуниттифоқ кенгашда тажриба алмашиб келди. Буларнинг ҳаммаси кишида келажакка умид уйғотади.

Деҳқон планни тўлдиргач, ортиқча маҳсулотни бозорга олиб бориб сотишга бўлган тўсиқлар ҳам йўқотилмоқда. Деҳқонни кечқурун даладан қайтаётганида бир-икки челак бодрингми, помидорми учун ГАИ постида ушлаб, сўроғу-терговларга дучор қилиш пайтлари ўтганлиги рост бўлсин. Ўзи далада ишласаю, қозон қайнатиш учун бозордан сабзавоту, картошка ташиб чиқиш йўқ бўлаётгани, бунинг ўрнига қишлоқ одами ўз маҳсулотини ўзи ҳам истеъмол қилаётгани рост бўлсин. Бошини қийиқча билан маҳкам боғлаб кетмон чопаётган деҳқонга «Э, ҳосилга барака!» десангиз, унинг «Э, умрингизга барака!» деб руҳи тетиклигини билдириши рост бўлсин.

Ана шуларни хаёлимдан ўтказиб, яна Маҳкам ва Эрмат акаларни эслайман. Улар асли шаҳарда, «Бешқайрағоч» маҳалласида яшашади. Шаҳарлик деҳқонлар улар. Ундайлар маҳаллада оз эмас. Бир пайтлар «Октябрь» деб ном олган колхозда ишлашган эди. 1966 йил зилзиладан кейин колхоз турар жой массивига қолдию, улар қишлоққа ишлашга чиқиб кетишди.

— Тўй қилиш ниятим бор,— деди Эрмат ака. — Ўғлим армиядан келсин.

— Менинг ҳам яхши орзуларим кўп,— қўшилди Маҳкам ака, — қиз узатиш, ўғил уйлантиришим керак.

— Э, саломатлик бўлса. орзу-ҳавас ҳам бўлади, — давом этди Эрмат ака.

Маҳкам ака суҳбатни тугаллади:

— Ҳали кўп тўкинчилик бўлади. Деҳқоннинг йўли очилаяпти-ку!

**Абдусаттор ҲАТАМОВ,**
**Ўзбекистон Журналистлар союзи мукофотининг лауреати.**

## «Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

### «НАРХИ НЕГА ТУРЛИЧА»

Газетамизнинг шу йил 24 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақолада шаҳардаги колхоз бозорларида нарх-навонинг «осмонга чиқиб кетаётгани», уни назорат қилиш ўз ҳолига ташлаб қўйилгани тилга олинган эди. Шаҳар колхоз бозорлари бошқармаси бошлиғи П. К. Айрапетовдан ушбу танқидий мақола юзасидан қуйидаги жавоб мактуби олинди:

**«Мақола юзасидан шуни маълум қиламизки, колхоз бозорларида нарх-навонинг даражаси аҳоли эҳтиёжига ва давлат, кооператив савдоси ҳамда хусусий секторлар етказиб бераётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ. Бозор нарх-навосига маъмурий таъсир кўрсатишга келсак, бу борада шуни айтиб ўтмоқчимизки, гражданлар колхоз бозорларида савдо қилишнинг мавжуд қоидаларига мувофиқ ўзлари келтиришган маҳсулотларини шартномавий баҳоларда сотадилар, шу сабабли бозор нарх-навосини маъмурий асосларда чегаралаб қўйишга йўл қўйишга рухсат этилмайди».**

### «ҚУЛАЙЛИК ЯРАТИЛСА»

Газетамизнинг шу йил 30 январь сонида юқоридаги сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада метронинг Собир Раҳимов номли станцияси яқинида «Союзпечать» киоскаси ва бошқа савдо нуқталари йўқлиги айтилган эди. Шаҳар «Союзпечать» агентлигининг бошлиғи С. Хатамов бу мақола юзасидан жавоб хати йўллаб қуйидагиларни маълум қилган.

**«Мазкур станция ёнида 1986—1987 йилларда икки марта «Союзпечать» киоскаси очилган эди. Шу икки йил ичида унда уч марта ўғирлик содир бўлди, 1987 йилда эса ўғирликдан сўнг у тўла ёниб кетди. Бундан эса 5 минг сўм зарар етди. Шунга кўра у ерда киоска очиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Ҳозирги вақтда метро зонасида «Тошкент» автостанцияси ва 2-пойабзал фабрикаларида «Союзпечать» киоскалари ишлаб турибди».**

## Жаҳон шаҳарларида

БУДАПЕШТ. Венгрияда автомобиль эгалари тош йўлларни ифлос қилишига қарши кураш олиб бораётган «Рефлекс» жамиятининг активлари дам олиш кунларидан бирида ғайриоддий тадбир кўришга аҳд қилдилар. Улар қўшни Австрия маъмурлари билан келишиб, венгер туристлар Венага борадиган йўлнинг икки четини жамоатчилик асосида ахлатдан тозалаб беришга аҳд қилдилар.

Бу тадбирнинг ташкилотчилари бу иш чет элга кетаётган ватандошларини ўзларининг тартибсизликларидан уялишга мажбур қилади, деб ўйламоқдалар. Иккинчи томондан эса, ҳар йили Венгриянинг ғарбий районларига кўплаб келадиган австриялик туристларни ҳам тозаликка риоя этиш зарурлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилса керак.

БРАТИСЛАВА. Словакияда ёнғиндан муҳофаза ойлиги эълон қилинди. Ана шу тадбир давомида асосий куч-ғайратлар ёнғинга қарши профилактика тадбирларини ўтказишга қаратилади. Ойлик давомида ёнғиндан муҳофаза инспекциялари ҳамда маҳаллий органлар томонидан ажратилган назоратчиларнинг махсус группалари тахминан 600 мингта турли объектни — завод ва фабрикаларни, уй-жойлар ва мактабларни, маданият муассасаларини, спорт иншоотларини назорат тариқасида кўздан кечирадилар. Ёнғиндан муҳофаза қилиш уюшмаси мутахассислари ўқувчилар, ёшлар, меҳнаткашлар олдида лекция ўқийдилар. Ёнғиндан муҳофаза қилиш бўлинмаларида очиқ эшиклар кунларини ўтказиш режалаштирилган. Ана шундай кунларда аҳоли ёнғинга қарши техника янгиликлари билан, ёнғинга қарши мунтазам кураш олиб бораётган кишиларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари билан таниша оладилар.

Мутахассислар ойлик республикадаги ёнғинлар сонини камайтиришга ёрдам беради, деб ҳисобламоқдалар. Ўтган йили Словакияда ёнғиндан 50 киши ҳалок бўлган, 164 киши жароҳатланган, кўрилган моддий зарар 57,5 миллион кронни ташкил этган эди.

ВАРШАВА. ПХР Ёзувчилар союзининг Варшавада ўз ишини тугаллаган 24-съезди делегатлари бадиий ижодни ривожлантириш, Польшанинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида шоирлар ва ёзувчилар иштирокини кенгайтиришга доир муҳим масалаларни муҳокама қилдилар. Қабул қилинган қарорларда делегатлар мамлакатда ноширлик ишининг ҳозирги аҳволидан ташвишланаётганликларини билдирдилар ҳамда китоб билан боғлиқ ишларнинг аҳволини яхшилаш учун чора-тадбирлар кўришга даъват этиб, ПХР Министрлар Советининг иқтисодий комитетига мурожаат қилдилар. Улар миллий маданият учун муҳим аҳамиятга эга бўлган нашрлардан аҳолининг кенг оммаси баҳраманд бўлишини таъминлаш зарурлигини ҳам айтдилар.

Съезд Польша пойтахтида «давра столи» атрофида бўлаётган музокараларнинг қатнашчиларига — ҳукумат, касаба союз ва конструктив оппозиция вакилларига ишда муваффақиятлар тилади ва янги ижтимоий битимни тезроқ келишиб олиш истагини билдирди. Делегатлар миллий маданиятнинг ҳаётий манфаатлари ҳам бу ишда четлаб ўтилмайди, деб умид билдирдилар.

Войцех Жукровский яна ПХР Ёзувчилар союзи бош правлениесининг раиси қилиб сайланди.

ПЕКИН. Хитойда давлат ва хусусий саноат ҳамда савдо корхоналарида, шунингдек маъмурий муассасаларда ва идораларда молия, солиқ ва нарх-наво соҳасидаги ишларнинг аҳволини комплекс текшириш тугалланди. Текшириш давомида, деб ёзади «Жэньминь жибао» газетаси, жами 7,4 миллиард юандан кўп миқдордаги молиявий қоидаларни бузишлар очиб ташланди.

Ана шу маблағнинг учдан бир қисмидан кўпроғини Хитой энергетикаси ҳамда транспортини ривожлантириш махсус фондига тўланмаган солиқлар ва маблағлар ташкил этади. Солиқ тўлашдан бўйин товлаш корхоналарнинг деярли ярми учун характерли эканлиги таъкидланади. Айниқса хусусий соҳада солиқ интизоми оқсамоқда.

Таннархни рухсатсиз ошириб юбориш ва маҳсулот нархини қимматлаштириш, «Мукофотлар ва қимматбаҳо совғалар бериш, давлат ҳисобига зиёфатлар ва кўнгилочар сафарлар ташкил этиш» практикаси жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Текшириш чоғида порахўрлик, хизмат мавқеидан ғаразли мақсадларда фойдаланиш фактлари, мансабдор шахсларнинг бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлари аниқланди. «Иқтисодий жиноят йўлига ўтган одамлар оз бўлса ҳам, — деб таъкидлайди ХКП Марказий Комитетининг органи, — улар келтираётган зарар бениҳоя каттадир».

Ниҳоясига етган молиявий текшириш миллий экономикада шароитни яхшилаш ва тартиб ўрнатиш учун негиз яратиши керак, — деди Пекиндаги кенгашда ХХР Давлат кенгаши Раисининг ўринбосари Яо Илинь.

(ТАСС).



**⊙ ГАМБУРГ. Нозик ва гўзал қизил ғозлар одатда қишни жанубий ўлкаларда ўтказишади.**

**Гамбург ҳайвонот боғининг қизил ғозлари Европанинг марказида қишлаши — одатдан ташқари воқеадир. АП агентлигининг хабар қилишига қараганда, Гамбург ҳайвонот боғида қизил ғозлардан ташқари дунё ҳайвонот оламининг 376 тури истиқомат қилади.**

АП—ТАСС телефотоси.

## КАЛЕЙДОСКОП

### СТАТИСТИКА ҲАММА НАРСАДАН ХАБАРДОР

**Статистика ҳамма нарсани билади, деб тасдиқлашган эди Ильф ва Петров. Мазкур хулосани Швейцарияга нисбатан тўла-тўкис қўллаш мумкин. Бу ерда ҳатто мамлакат аҳолиси неча соат вақтини ошхонада ўтказишини ҳам ҳисоблаб чиқишган. Швейцарияликлар ҳар йили ўзларининг 5 миллион соат вақтларини ошхонада ўтказишар экан. Худди шу ошхоналарда ҳар йили 20 мингга яқин бахтсиз ҳодисалар: куйиш, кесиб олиш, қулаш, электр токининг уриши, газ билан заҳарланиш каби ҳодисалар рўй бериб турар экан.**

### РАҚС ТУШИШГА ЎН САККИЗ ЁШДАН СЎНГ РУХСАТ БЕРИЛАДИ

**Тайвань маъмурлари ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг тамаки чекишини, чайнашини, спиртли ичимликлар ичишини, шунингдек қаҳвахоналарга, рақс майдонларига ва «уларнинг соғлиғига путур етказиши мумкин бўлган» бошқа шу хилдаги муассасаларга ташриф буюришини ман этувчи махсус қонун қабул қилдилар. «Чжунго хуаньцзин бао» газетаси ана шу ҳақда кабар қилди.**

**Ана шу ҳужжатга биноан қонун бузилганлиги учун бутун масъулият ўсмирларнинг ота-оналарига ёки уларнинг васийларига юкланади. Балоғатга етмаган тайванликларга сигарет ёки алкоголли ичимликни сотган магазинларга катта миқдорда пул жарималари солинади.**

### ЖИМ СМИТЛАР СЪЕЗДИ

**Мана йигирма йилдан бери Америка Қўшма Штатларида исми ва фамилияси Жим Смит бўлган кишиларнинг йиғинини ўтказиб келинади. Навбатдаги конгресс Далласда бўлиб ўтди. Адаш Смитлар кичкинтой Жим Х. Смит хўжайин бўлган меҳмонхонада йиғилдилар. Анъанавий мажлисдан сўнг қувноқ спорт мусобақалари ўтказилди.**

Т. Г. Шевченконинг 175 йиллигига



# Шоир ҳақида

...Шевченконинг нишонланишини тақиқлаш ҳукуматга қарши агитация олиб бориш нуқтаи-назаридан шундай бир жуда ҳам ажойиб, яхши, камдан-кам учрайдиган, жуда ҳам соз ва ўнғай тадбир бўлдики, агитация қилишда бундан қулайроқ нарсани тасаввур ҳам қилиб бўлмайди... Бу тадбирдан кейин миллион-миллион «обвитателлар» онгли гражданларга айлана бошладилар ва Россия «халқлар турмаси»дир деган иборанинг тўғрилигига ишонч ҳосил қила бошладилар.

**В. И. ЛЕНИН.**

* * *

Шевченко миллий украин шоири сифатида улуғдир, бироқ у халқ шоири сифатида яна ҳам улуғдир.

**А. ЛУНАЧАРСКИЙ.**

* * *

...У деҳқон эди, аммо маънавий оламнинг ҳокими бўлди. У крепостной эди, лекин кишилик маданиятининг улуғ ва мужассам қудратига айланди... У Россия ҳарбийлари дастидан ўн йил жафо чекди. Аммо Россия озодлиги учун ўнта енгилмас қўшиндан кўпроқ хизмат қилди.

Тақдир уни умр бўйи таъқиб этди, аммо олтин қалбини занглатиб қўймади, инсонга бўлган муҳаббат ҳиссини кўролмасликка, ишончини ғазабга айлантирмади.

Тақдир унга мусибатни дариғ тутмади, лекин ундаги қувонч чашмасини бўғиб қўймади.

Тақдирнинг унга энг қимматбаҳо инъоми — ўлимидан сўнг асарларининг миллионлаб кишилар қалбига завқ-шавқ беришидирки, бу унга ўлмас шуҳрат бағишлади.

**И. ФРАНКО.**

* * *

У — халқнинг орзу истакларини бўёқларсиз ҳаққоний ифодалаган биринчи ва чинакам халқ шоири сифатида юксак баҳога сазовордир.

**М. ГОРЬКИЙ.**

# ОЗОДЛИК КУЙЧИСИ

«Меҳнаткаш киши менимча дунёдаги энг бахтли кишидир... Сенга ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ҳавасим келади, бахтиёр, улуғ заҳматкаш инсон».

**Тарас ШЕВЧЕНКО.**

Бундан 175 йил муқаддам — 1814 йилнинг 9 мартида Киев губерниясининг Моринци қишлоғида крепостной деҳқон оиласида туғилган Тараснинг болалиги ғоят аянчли кечди. У гўдаклигидаёқ аввал онаси, сўнг отасидан ажралиб, етим қолади, етимликнинг барча жафоларини бошидан кечиради: бир бурда нон учун ҳар кимларнинг уйида хизматкорлик қилди.

**Яшаш оғир, яшаш оғир**
**Бу дунёда етимга,**
**Аччиқ қайғу аламлардан**
**Рози бўлар ўлимга.**

Тарас болалигидаёқ ашула, халқ эртаклари, айниқса расм чизишга қаттиқ қизиқиб қолади. У бу ишга шу қадар эҳтирос ва иштиёқ билан бериладики, натижада ўспиринлигидаёқ расм чизишни бир мунча пухта эгаллаб, дурустгина расм чиза бошлайди. Украинанинг оромбахш ва мафтункор табиати, манзаралари, нолакор халқ қўшиқлари бўлажак рассом ва шоир тарбиясида муҳим роль ўйнайди.

Рус ва украин маданиятининг машҳур намояндалари К. Брюллов, В. Григорович, И. Сошченко, В. Жуковский, Е. Гребенколар ёрдамида крепостнойликдан қутулган Тарас пойтахтдаги Бадиий академияга ўқишга киради. У академияда замондошлари орасида «Буюк Карл» номи билан машҳур бўлган Карл Брюллов раҳбарлигида рассомлик санъатининг нозик сирларини ўрганади, устозининг энг севимли шогирдларидан бирига айланади. Ўқишдаги катта ютуқлари учун уч маротаба кумуш медаль билан тақдирланади. Тасвирий санъатга жон-дилидан берилиб кетган, муваффақиятларидан руҳланган Шевченко анча вақтгача ўзидаги шеърий иқтидорни сезмади. Шу билан бирга, жондан азиз Украинасига соғинчини тараннум этиш, бу ўлка тўғрисида болалигида ҳаяжонланиб тинглаган қўбузчилардек ашулалар ёзиш истаги унга ҳаловат бермай қўйди. Шоирнинг илк шеърлари унга мўйқалам тутқазган Петербургнинг сеҳрли оқшомларида, 1837 йилдан майдонга кела бошлаган. Унинг дастлабки шеърлариёқ қўлдан-қўлга ўтиб, халқ ўртасида машҳур бўлиб кетади.

1840 йилда Тарас Шевченконинг илк шеърий тўплами — «Қўбузчи» нашр этилиб, унинг автори талантли украин шоири сифатида кенг китобхонларга танилади. Саккизтагина асарни ўз ичига олган бу жажжи китобча жуда катта муваффақият қозонди, украин адабиёти тарихида янги давр очди.

«Қўбузчи» — инқилобий шеъриятнинг янги манифести, гражданлик жасоратининг намунаси, инсон қалбига поэтик саёҳатнинг солномаси бўлди.

Шевченко яратган йирик полотнолардан бири «Гайдамаклар» (1841) поэмасида Максим Железняк ва Иван Гонта бошчилигида поляк феодалларига қарши олиб борилган халқ ҳаракати ҳаққоний тасвирланган.

Адабий жанрларнинг деярли барча турларида қалам тебратган Шевченко 1841 йилда озодлик ва ватанпарварлик ғоялари ифодаланган «Никита Гайдай» драмасини яратади. 1843 йилда рус тилида украин театрининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган «Назар Стодоля» драмасини ёзди. Драма марказида юзбоши Хома Кичатий билан камбағал Назар Стодоля ўртасидаги социал зиддият ётади.

1844 — 47 йиллар шоир ва рассом ҳаёти, ижтимоий ва адабий фаолиятида бурилиш йиллари бўлиб, Шевченконинг революцион онги янада ўсди. Унинг «Даҳрий», «Васият» номли ажойиб шеър ва поэмалари худди шу даврда яратилган.

«Васият» шоирнинг программ асарларидан бўлиб, унда эксплуататорлар тузумини ағдариб ташлаш тўғрисида жанговар чақириқ баралла жаранглайди.

**Кўмингу қўзғанг исён,**
**Кишанлар кул-кул бўлсин.**
**Эрк жангида душманнинг**
**Қора қони тўкилсин.**

1847 йилнинг апрелида шоир Черниговдан Киевга қайтаётганида қамоққа олинади. «Уч йил» шеърлар альбоми, жумладан «Туш» поэмаси қамашнинг асосий сабабларидан бири бўлади. Шахсан Николай I «Қатъиян назорат остига олинсин, ёзиши ҳам, расм чизиши ҳам ман қилинсин», деб буйруқ беради.

Шундан кейин Шевченко учун дарбадарлик ва азоб-уқубат йиллари, даҳшат ва изтиробга тўла йиллар бошланади. Аммо унинг кураш ва озодликка бўлган интилишини, мустаҳкам иродасини ҳеч ким, ҳеч қандай куч сусайтира олмайди. «Қийноқда, азобда ёнаман, бироқ асло тавба қилмайман», деб хитоб қилади шоир.

У энг хавфли жиноятчилардан ҳисобланиб, узоқ Оренбург чўлларидаги Орск қалъасига оддий солдат сифатида сургун қилинади.

1848 йилнинг май ойида Орол денгизи соҳилларининг табиий шароитини ўрганиш юзасидан илмий экспедиция тузилади. Экспедиция бошлиғи ажойиб ватанпарвар олим, жасур ва ақлли саёҳатчи, довюрак А. И. Бутаков Т. Шевченкони рассом сифатида ўзи билан олиб кетади. Экспедиция бутун қишни Қўс-Оролда ўтказади. Бу ерда шоирнинг «Асорат илҳомлари» номли машҳур шеърлар туркуми ва «Марина», «Юзбоши», «Ктиторнинг қизи» достонлари яратилади. Бу циклга кирган асарларда улкан қалб эгаси бўлган Шевченконинг чексиз изтироблари, маҳаллий халқлар — қозоқ, қорақалпоқ, ўзбек заҳматкашларининг ёрқин келажагига ишонч, уларга муҳаббат туйғулари ўзининг бадиий ифодасини топган.

Ниҳоят 1875 йилда Т. Шевченко тутқунликдан қутулиб, Астраханга, ундан Нижний Новгородга жўнайди, бир йилдан сўнг эса Петербургга боради, машҳур декабристлар, революцион демократлар, адабиёт ва санъат арбоблари билан дўстлашади. Шоир «Неофитлар», «Мария» поэмаларини, «Синглимга», «Бир кун тунда мен Нева бўйлаб» сингари инқилобий руҳдаги асарларини ёзади.

Ўзбек китобхонлари украин шоирининг ажойиб асарларидан фақатгина Октябрь инқилобидан кейингина баҳраманд бўла олди. 1939 йилда — бутун мамлакатимиз Т. Г. Шевченко туғилган куннинг 125 йиллигини кенг нишонлаётган вақтда ўзбек шеърият ихлосмандлари буюк шоирнинг шеърлари ва поэмаларидан биринчи гулдаста — «Қўбузчи» тўпламини олдилар. Улуғ қўбузчи асарларининг ўзбек тилида биринчи марта жаранглашида Ҳамид Олимжон, Амин Умарий, Ҳасан Пўлат, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Насрулло, Охундий, Темур Фаттоҳ ва бошқа шоир, таржимонларнинг хизмати катта бўлди. Ўша йили ўзбек ёзувчиларининг Шевченко ҳақидаги шеър, поэма, очерк ва ҳикояларини ўз ичига олган «Тарас Григорьевич Шевченко» китоби босилиб чиқади. Унда Воҳид Зоҳидовнинг шоир ҳаёти ва ижоди ҳақидаги «Буюк Т. Г. Шевченко» сарлавҳали катта мақоласи, Амин Умарийнинг «Чўлда» шеъри, Холид Расулнинг «Тарас» поэмаси, Ҳусайн Шамснинг шоир ҳақидаги «Дарбадар ёшлик» ва «Талантнинг баҳори» ҳикоялари, П. Турсуннинг «Тарас Шевченко» очерки эълон қилинган. Бу асарларда ўзбек халқи Т. Шевченкони ўз шоиридай севиши тасвирланади. Улкан ёзувчи ҳақида ўзбек адибларидан Ойбек, Ғайратий, Адҳам Раҳмат ва бошқалар ҳам асарлар яратишди. 1954 йилда шоирнинг 60 дан ортиқ шеър ва поэмалари «Қўбузчи» номи остида Ғафур Ғуломнинг сўнгги сўзи билан босилиб чиқди. Кейинроқ, 1959 йилда эса Шевченконинг деярли асосий поэтик ва прозаик ижодини ўз ичига олган икки томлик асарлари босмадан чиқди. Шундан кейинги йилларда ҳам шоирнинг жозибадор шеъриятини ўз ичига олган тўпламлари, унинг ижодига бағишланган рисолалари босилади.

«Менинг ҳаёт тарихим — Ватаним тарихининг бир қисмини ташкил этади», деб ифтихор этган Шевченко улуғ оила — Ватанимизда эркин ҳаёт, яхши замонлар бўлишини башорат қилганди. Озодликнинг толмас куйчиси, буюк қўбузчи Тарас Шевченконинг номи ва ўлмас асарлари Ватанимиз, дунёдаги эрксевар кишиларнинг диллари ва тилларидадир.

**Раҳматилла ИНОҒОМОВ,**
**филология фанлари кандидати.**

*Тарас*
*ШЕВЧЕНКО*

* * *

**Гар бўлмаса бир кулбахонанг**
**Ва кутмаса ҳамширанг, онанг,**
**Бундан ёмон бир хўрлик йўқдир.**
**Дилинг қайғу билан тўликдир.**
**Менда йўқдир сингил ва она,**
**Бу бахт менга тамом бегона.**
**Мен бу бахтни ҳеч бир билмадим;**
**Фақат шундай қоврилди умрим.**
**. . . . . . . . . . . . . . .**
**Қачонлардир узоқ ёт элда**
**Кўзим менинг йўқолди селда;**
**Қисмат дея ёмон йиғладим...**
**Бир ошнём дея йиғладим...**
**Узоқ кездик денгизда сарсон,**
**Сирдарёга чиқдик бир замон,**
**Лангар ташлаб тўхтаган бўлдик,**
**Яъни бўшаб дам олган бўлдик.**
**Ватагадан хат келтирдилар;**
**Ўқигали эл ўтирдилар.**
**Биз икки дўст ёнбошлаб ётдик;**
**Икки сирдош хаёлга ботдик;**
**Мен «дунёда она ва бир хат**
**Топарманми?» дер эдим фақат.**
**«Сен ёлғизми?» деб сўрадим жим.**
**«Уйим, болам бор, — деди дўстим. —**
**Кулбахона, она, ҳамшира**
**Бору бироқ хат йўқдир сира...».**

**Ҳамид ОЛИМЖОН таржимаси.**

* * *

**Тайёр! Кўтарилди баландга елкан,**
**Кема, қайиқларда қамишзорлардан**
**Сузиб Сирдарёга аста ўтдилар.**
**Мовий тўлқинларда олға кетдилар.**
**Алвидо, алвидо ғариб Қўс-Орол!**
**Мени оғир дамлар қилганда беҳол,**
**Қайғудошим бўлдинг менга икки йил.**
**Раҳмат, дўстим, сенга!**
**Мақтансанг арзир:**
**Одам болалари сени топдилар,**
**Сен-ла не қилишни билиб оптилар.**
**Алвидо, дўстим! Қадрдон диёр.**
**Мақтамайман сени, қарғамайман ҳам.**
**Бу ўлкада чеккан ғамимга бироқ**
**Балки, қайта яна бўларман дучор,**
**Аммо, у чоқ бундан бўларман йироқ.**

**Насрулло ОХУНДИЙ таржимаси.**



Ёш раққосалар хироми. Х. Шодиев фотоси.

# «САЛОМАТЛИК» КЛУБИ

«Саломатлик» клубидаги материаллар Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-текшириш институти директори, медицина фанлари доктори, профессор Тўлқин Искандаров таҳрири остида берилмоқда.

Газетхон илтимосига кўра

## Атиргул дилга озорми?

**Ҳурматли редакция! Диёримизда фасли баҳор бошланиши билан бутун борлиқ ўсимлик дунёсининг кўм-кўк либосига бурканади. Боғ ва далалар атиргул, гулсапсар ва лола сингари турфа гуллар нозик ва очиқ ранглари билан кишига қувонч бағишлайди.**

**Дов-дарахтлар ва ўсимликлар гуллади дегунча, менда бирдан тумов бошланади. Кўздан ёш оқиб, димоғим битади, бетиним акса ураман. Шифокорларга мурожаат қилсам, аллергик тумов бўлибсиз, дейишади. Сизлардан илтимос, ана шу хасталик қандай юз бериши, ундан сақланиш ва даволаниш ҳақида маълумот берсангиз.**

**Шарифахон БУРХОНОВА,**
**маориф ходими.**

**Оқшомхонлардан С. Комилов, Б. Нурматов, С. Аъзамова, Р. Лутфуллаева, Н. Жумабоевлар ҳам шу мазмунда хат йўллашган. Мухбиримиз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг бош аллергологи, республика аллергология Марказининг раҳбари, медицина фанлари кандидати Озод Аҳмедович НАЗАРОВ билан учрашиб, унга оқшомхонларни қизиқтираётган бир неча савол билан мурожаат қилди.**



**— Озод Аҳмедович, аввало аллергия қандай хасталик, унинг келиб чиқишига нима сабаб бўлади?**

— Аллергия деганда, ҳар хил ёт, бегона моддаларга нисбатан одам организми сезгирлигининг ортиб кетиши тушунилади. Бу ўта «инжиқ» касалликка сабаб бўладиган омилларнинг сони жуда кўп. Уй чанги, партўшак (ёстиқ)лар зарраси, ўсимлик гуллари чангидан тортиб, ҳайвонлар териси мўйналари, одам сочидаги гард, ҳатто энг хушбўй атиргул ҳиди ҳам баъзан аллергия пайдо қилиши мумкин.

**— Аллергик тумов нима? Уни келтириб чиқарадиган омиллар, медицина термини билан айтганда аллергенлар нималардан иборат?**

— Аллергик тумов ўз аломатлари, кечиши ва асорати билан ўткир тумовдан фарқ қилади. Аллергик тумов ойлаб, ҳатто йиллаб давом этиши мумкин. Умуман олганда, аллергик тумов фаслий ва доимий (сурункали) бўлади. Фаслий тумовни халқимиз «Пичан иситмаси» деб ҳам ифодалашган, медицина ибораси билан айтганда бу хасталик поллиноз («поллин» — инглизча ўсимлик чанги), дейилади. Касалликнинг хуруж қилишига қараб фаслий тумовни уч даврга бўлиш мумкин.

Биринчи давр — март ойи бошлари билан апрель ойи охиригача, дарахтларнинг гуллаш вақтида (қора терак, ўрик, бодом, олча, гилос ва ҳоказо) тўғри келади.

Иккинчи давр — май ойининг ўрталари билан июль ойининг охирги дамлари: майсазор ва айрим бошоқли ўсимликлар (исмалоқ, сули, тоғ ялпизи ва бошқаларнинг) гуллаш даври.

Учинчи давр — июль ойидан бошлаб ерга биринчи қиров тушгунча. Айрим бошоқли ва ёввойи ҳолда ўсадиган ўсимликларнинг гуллаш вақти (эрмон, бурган, сассиқ ва хушбўй шўра, маккажўхори, кунгабоқар ва бошқа ўсимликлар шулар жумласидандир).

**— Хасталикнинг асосий аломатлари қандай кечади?**

— Юқорида зикр этганимиздек, хасталикнинг бошланиши шу ўсимликларнинг гуллаш даврига мос келади. Беморлик бошланишида нафас олиш бирмунча қийинлашади, бетиним акса уриш, бурун шиллиқ қабати шишади, ўткир тумов аломатларига хос белгилар юзага чиқади, ҳатто беморга дастрўмолча етказиш қийин бўлиб қолади, бурун кетма-кет намланаверади. Касалликнинг асосий бу аломатларидан ташқари беморнинг боши оғрийди, тинкаси қурийди, ланж бўлади, мадори кетиб, бирор бир иш қилишга қуввати етмайди, баъзан тана ҳарорати кўтарилади.

Хасталик аломати март ойларида аста-секин бошланиб, август-сентябрь ойларида жуда ҳам кучайиб кетади. Агар киши аъзосининг сезгирлиги фақат дарахт гулининг чангига ошган бўлса, хасталик анча енгил ўтади. Касалликнинг хуруж қилиш доираси ҳам кенгаяди. Агар одам сезгирлиги шўра ўтлари каби ёввойи ҳолда ўсадиган аллергияларга ошган бўлса, хасталик жуда ҳам оғир ўтади. Баъзан фаслий тумов бронхиал астмага айланиб кетиши мумкин. Бундай пайтда бемор, биз юқорида санаб ўтган аломатлардан ташқари, яна беморда юзнинг қуришиши, йўталнинг зўрайиши, нафас олишнинг қийинлашиши юз беради, одам хириллаб бўғилади ва кўкариб кетади.

**— Бемор дардини аниқлаш ва даволаш усуллари қандай бўлади?**

— Аллергенлар таъсири остида организм сезгирлиги ошиб, аллергик касаллик юзага келишини юқорида баён этдик. Агар бемор шикоятидан аллергияни аниқлаб бўлмаса, алоҳида аллергенлар билан текшириш ишлари ўтказилади. Текшириш махсус аллергик кабинетларда ампулаларга солинган уй ва ўсимлик чангларини (ва бошқа турли хил аллергенлардан беморнинг касали ва ҳолатига қараб) терига, бурунга, кўзга ва нафас йўлларига таъсир эттирилади. Мутахассис шифокорлар эса, организм ана шу таъсир эттирилган аллергияга нисбатан қандай реакция берганлиги (жавоб қайтарганлиги)ни аниқлайди. Шундай қилиб, «сабабчи аллерген» топилади. Энг аввало ана шу «сабабчи аллерген» билан алоқа узилади, яъни мумкин қадар шу аллергендан бемор ўзини олиб қочиши даркор. Касаллик хуружидан икки ой олдин эса бемор гепосенсибилизация олиши лозим. Бунда организмнинг аллергенларга нисбатан сезгирлик ҳолатини аста-секин пасайтириб, даволана бошланади. Бошқача қилиб айтганда, беморни безовта қиладиган сабабчи аллергендан беморга «махсус услуб» бўйича юборилади. Гипосенсибилизация усули билан даволанган беморлар энди аллергенга мослашади ва ҳатто катта дозаларга ҳам таъсирчан бўлмайдилар. Натижада даволаш йилдан йилга беморга нисбатан ўз ижобий таъсирини ўтказиб, бемор ўзини яхши ҳис қила бошлайди. Шундан кўринадики, ўсимлик ва уй чангига сезгирликнинг ошишини гипосенсибилизация усули билан даволаш жуда яхши самара беради. Лекин даволашнинг бу усулини ҳамма беморларга ҳам қўллаб бўлмайди. Айниқса юрак-қон томир, жигар, буйрак касалликларида, ўсмага мойил, сил билан оғриган беморларга бу усул мутлақо тўғри келмайди.

Хасталикни дори-дармонлар билан даволаш эса, ҳар доим ҳам кўнгилдагидек натижа беравермайди, чунки баъзи дори-дармоннинг ўзи беморда қўшимча аллерген ҳолат ҳосил қилиши мумкин. Аллергия одамни анча азобга солиб безовта қилиб қўядиган, баъзан узоқ йиллар давом этадиган хасталик. Бироқ, медицина фанимиз аллергияни даволай олади. Касаллик қанчалик ўз вақтида аниқланиб даволанса, шунчалик қисқа вақт ичида ундан бутунлай ҳоли бўлиб кетиши мумкин.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!**

— Ҳамма оқшомхонларга сиҳат-саломатлик тилайман.

**Суҳбатни Тўлқин РАСУЛЕВ олиб борди.**

# Аҳоли хизматида

**Мана, бир йилдирки шаҳримиздаги хўжалик ҳисобида ишлаётган бир неча даволаш муассасаларида аҳолига пуллик медицина хизмати кўрсатилаяпти. Унинг афзалликлари нимада? Жамоатчи мухбиримиз шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қошидаги хўжалик ҳисобидаги медицина муассасалари бошқармаси бошлиғи Х. Отауллаев билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.**

**— Ҳофиз Ҳабибуллаевич, пуллик хизмат кўрсатишни ташкил этиш сабаблари нимада?**

— Аввало шуни айтиш керакки, медицина хизмати мамлакатимиз территориясида яшайдиган барча халқлар учун бепулдир. Соғлиқни сақлашни ривожлантириш йўлида давлат томонидан ҳар йили қилинаётган харажатлар бунга яққол мисол бўла олади. Масалан, шаҳар аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш учун ўтган йили 120 миллион сўм сарфланди. Пуллик хизмат эса 6 миллион сўмни ташкил этди, холос. Шуни айтиш керакки, халқимиз медицина хизмати билан таъмин этилган, лекин ҳали тўлиқ қондирилаётгани йўқ. Бунинг сабаби, кўпгина муассасаларнинг моддий техника базаси талабга жавоб бермаслигидадир.

Ҳозирги кунда шаҳардаги 60 та даволаш муассасалари қошида медицинанинг турли соҳалари бўйича пуллик хизмат ташкил этилган. Бу жойларда малакали мутахассислар ишлашаяпти.

**— Шу ўринда бир савол туғилади. Шаҳримизда кўплаб медицина хизмати кўрсатиш кооперативлари бор. Хўжалик ҳисобидаги даволаш муассасаларининг улардан фарқи нимада?**

— Кооперативлар асосан кечки соатларда ишлашади. Хўжалик ҳисобидаги муассасалар эса эрталаб соат 8 дан кеч соат 21 гача очиқ. Бемор қабул қилинадиган жойлар зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Лекин кооперативлар ҳали бунга эришгани йўқ. Хўжалик ҳисобидаги муассасалар иш фаолиятида давлат нархлар комитети томонидан тасдиқланган нархларни қўлласа, кооперативлар ўзича белгилайди. Агар тўланадиган ҳақ камайтирилиб, малакали хизмат жорий қилинса халқимиз учун жуда фойдали бўларди.

**— Келгуси режалар ҳақида ҳам гапирсангиз.**

— Яқинда республика ҳукумати аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва қайта қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Унга кўра 1995 йилгача аҳолига пуллик хизматни тўрт баравар ошириш, 35 та хўжалик ҳисобида ишлайдиган медицина муассасаларини ташкил этиш, стоматология, косметология, консультация, диагностика поликлиникалари сонини кўпайтириш, шунингдек янги усулда ишлайдиган пансионат ва касалхоналар очиш кўзда тутилмоқда. Бир сўз билан айтганда, медицина доимо диққат марказда бўлади.

**Суҳбатни Исмоил ФАТТОҲОВ олиб борди.**

Врач маслаҳати

# Асорати қолмасин

Соғлом тишлар кишининг ҳусни бўлибгина қолмай, соғлиқ гарови ҳамдир. Одамнинг барча аъзолари ўзаро боғланган бўлиб, бир аъзо ишининг бузилиши бошқа аъзоларга ва бутун организмга таъсир этади. Меъдада овқатнинг яхши ҳазм бўлиши ва тўла сингиши учун уни яхшилаб чайнаш, майдалаш керак, бунинг учун тишлар соғлом, қаторлари эса тўлиқ бўлиши керак. Ҳатто битта тишнинг йўқотилиши овқатнинг оғиз бўшлиғида ишланиш сифатини, бу эса ўз навбатида меъдада ҳазм бўлишини пасайтиради.

Оғриқдан қўрқиш сабабли кўпчилик кишилар тишларини даволаш, емирилган, яроқсиз тишларни олдириш учун врачга боришмайди. Касалланган тишлар эса микроблар манбаи ҳисобланади. Бу микроблар ва улар ишлаб чиқарган заҳар қонга, меъда ва ичак йўлида мунтазам равишда сўрилиб, организмни узоқ вақт заҳарлайди, натижада ангина, ревматизм, полиартрит, буйрак касалликлари, меъда ва ичак касалликларининг келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тиш олиш стоматологик-поликлиника шароитида ўтказиладиган энг кўп тарқалган хирургик усул ҳисобланади. Кўпинча тиш олингандан кейин, олинган тиш катагидан қон оқиши, шу ер ўткир яллиғланиши, олинган тиш атрофидаги юмшоқ тўқималарнинг шишиб яллиғланиши каби асоратлар кузатилади. Бундай асоратлар беморларнинг оддий гигиена қоидаларига риоя қилмасликлари, олинган тиш ўрнига овқат қолдиқларининг тушиши ва оғиз бўшлиғидаги микроорганизмларнинг таъсирида ҳам юзага келади. Бу асоратларнинг олдини олиш учун беморлар операциядан олдин ўзида мавжуд бўлган умумий касалликлар (грипп, ангина, қон касалликлари, тутқаноқ, диабет) тўғрисида врачни огоҳлантиришлари, наҳорда, иш вақтида, ишдан олдин тиш олдирмасликлари керак.

Тиш олингандан кейин 2 соатгача иссиқ овқат, чой ичмаслик, оғиз чаймаслик керак. Шунингдек олинган тиш катагидан қон сўриб туфлаш, грелка ёки турли компресслар қўйиш тиш катагини тил ёки бошқа предметлар билан кавлаш, душ қабул қилиш ёки тиш ювиш, оғир жисмоний иш билан шуғулланиш мумкин эмас. Ана шу кўрсатмаларга қатъий риоя қилиш, олдирилган тиш катагининг нормал, асоратсиз битиши учун муҳим омил ҳисобланади.

**Адиба САТТОРОВА,**
**Собир Раҳимов районидаги 7-стоматология поликлиникасининг хирург-стоматологи.**

